

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ТАРИХ ФАКУЛТЕТИ

“Умумий тарих” кафедраси

катта ўқитувчиси Ҳамроева Саодат Исломовна

томонидан тайёрланган

3 – курс талабалари учун

**“Этнография: Этногенез ва этник тарих” фанидан “Осиё ва Африка халқлари
этнографияси” мавзуси бўйича инновацион мусобақа тарзида ташкил этилган
лаборатория машғулоти**

И Ш Л А Н М А С И

Навоий – 2010

Тасдиқлайман: _____

“Умумий тарих” кафедраси мудири
т.ф.д. Ғ.Темиров

Ушбу “Этнография: этногенез ва этник тарих” фанидан “Осиё ва Африка
халқлари этнографияси” мавзуси бўйича инновацион мусобақа тарзида ташкил
этилган лаборатория машғулоти ишланмаси
“Умумий тарих” кафедрасининг 2010 йил 13 майдаги йиғлишида муҳокама
қилиниб, тавсия этилган.

Тузувчи: катта ўқитувчи Ҳамроева С.И.

Тарих факултети 3 – курс талабалари учун
“Этнография: Этногенез ва этник тарих” фанидан “Осиё ва Африка халқлари
этнографияси” мавзуси бўйича инновацион мусобақа тарзида ташкил этилган
лаборатория машғулоти

И Ш Л А Н М А С И

И. Дарсинг ташкилий қисми.

1. Саломлашиш, давомат, кун янгиликларини сўраш.
2. Мавзуни ва унинг режаларини монитор ёки доска орқали эълон қилиш.
3. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари билан таништириш.
4. Шартларни ва ҳар бир шарт учун белгиланган балларни эълон қилиш. (ҳар бир шарт учун максимал балл – 5 балл).
5. Гуруҳларнинг номлари, мақсадлари ва шиорлари билан танишиш.

Дарс мавзусининг асосий мазмуни:

Осиё ва Африка минтақаси аҳолиси этногенези ва этник тарихи. Минтақа халқларини шаклланиш жараёни. Антик даврда Африка ва Осиёнинг этнографик харитаси. Ўрта асрларда ва янги ҳамда энг янги даврда этник жараёнлар. Миллий консолидатсия. Аҳолининг замонавий таркиби. Маҳаллий аҳолининг миллий – этник моддий ва маънавий маданияти. Афроосиё аҳолисининг демографик аҳволи. Антропологик ва тилига оид таснифи. Хўжалиги ва моддий маданияти. Хўжаликларнинг минтақавий тараққиёти. Чорвачилик ва деҳқончилик. Балиқчилик ва боғдорчилик. Анъанавий турар – жойлар ва миллий таомлардаги ўзига хослик. Европа миллий либослари тараққиёти. Жамоавий ва оилавий турмуш – тарзи ва байрамлар.

Мусобақа дарсининг бориши:

1 – шарт – Тезкор савол – жавоб. (5 дақиқа).

1 – гуруҳ учун тезкор саволлар.

1. “Этнография” термини фанга қачон киритилган?

1789 йилда.

2. Жан Жак Ампер ким?

“Этнография” фанининг асосчиси.

3. “Халқшунослик” номли йўналишда қайси халқ маданияти ва урф – одатлари ўрганилади.

Немис тилли халқлар ва уларнинг маданияти ўрганилади.

4. Этнографияни ўрганиш аввал Европада бошландими ёки Америкадами?

Европада.

5. Инглиз забон мамлакатларда Этнография қайси фан таркибида ривожланди?

Антропологиянинг бир қисми сифатида биология фани билан бирга ривожланди.

6. “Диффузия” сўзининг маъноси.

Ёйилмоқ.

7. “Волкеркунде” илмий мактабига қаерда асос солинган?

Германияда.

8. Россия ФА Этнология ва Антропология институти кимнинг номи билан аталади?

Миклухо Маклай.

9. “Примитив” сўзининг маъноси нима?

“Оркада қолган” ёки “биринчи”.

10. Фридрих Ратсел қайси оқим вакили?

Диффузионизм оқими вакили.

2 – гурх учун тезкор саволлар.

1. Теодор Вайс ва Адолф Бастианлар ким?

Немис этнологиясининг асосчиси.

2. “Этнография”да “этнос ва биосфера” деган тушунча борми?

Бор.

3. АКШ да дастлабки этнологлар жамияти қачон ташкил топди?

1842 йилда.

4. Россияда Этнография қачон ва қайси фан тизимида пайдо бўлди.

1846 йилда География фани тизимида.

5. Халқнинг ҳаётини ўтганиш Этнография тили билан қандай номланади?

Дала тадқиқотлари.

6. Инсониятнинг биологик ва жисмоний табиати ҳақидаги фан?

Антропология.

7. Этник жараёнларнинг этнос ва шахснинг руҳий ҳолатига таъсирини тадқиқ қиливчи фан?

Этнопсихология.

8. Этнографияда эволюционизм мактабининг асосчиси ким?

Эдуард Тайлор.

9. Антропологик жиҳатдан ҳозирги халқлар нечта ирққа бўлинади?

4 та.

10. Тилларнинг географик ҳудуди ўзгарадими йўқми?

Ўзгаради.

2 – шарт – “Уйга вазифа” деб номланиб, гуруҳларнинг бир – бирига саволлари. Ҳар бир гуруҳ 2 тадан савол беради. (10 дақиқа)

Бунда ҳар бир гуруҳдан ҳар бир саволга бир талаба жавоб беради. Қайси талабалар жавоб беришини рақиб команда танлайди.

1 ва 2 шартлар ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланиб, эълон қилинади.

3 – шарт – “Қарама – қарши муносабат” деб номланади. (10 дақиқа).

Бу шарт икки босқичдан иборат. Мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи тушунчалар аниқланади ва “Муҳим тушунчалар” ҳамда “Муҳим бўлмаган тушунчалар” тарзида гуруҳланади. Бунда ҳар бир гуруҳдан 2 тадан талаба чиқиб, ушбу жадвални тўлдиради.

“Осиё ва Африка халқлари этнографияси” мавзусининг аҳамияти

	Муҳим тушунчалар	Муҳим бўлмаган тушунчалар
1.		
2.		
3.		
4.		
5.		
6.		
7.		

2 – жадвал жамоа асосида ишлаш жараёнида тўлдирилади.

“Осиё ва Африка халқлари этнографияси” мавзусининг аҳамияти

	Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётидаги роли (ўрни)	Шахс ҳаётидаги роли (ўрни)
1.		
2.		
3.		
4.		

5.		
6.		
7.		

4 – шарт – “3/3” (“4/4”, “5/5”,...) деб номланади (5 дақиқа).

Бунда ўқитувчи томонидан мавзуга оид 3, 4,5 ва ҳоказо тўғри ва унга нисбатда бўлган нотўғри бўлган тушунчалар (сўзлар, белгилар, тасвирлар ва б.) дан тизим шакллантирилади. Гуруҳ аъзолари эса ушбу тизимдан мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчаларни ажратадилар ва уни изоҳлайдилар.

1 – гуруҳ учун савол:

1. Ушбу тизимдан Жанубий Осиёга тааллуқли бўлган тарихий – этнографик минтақани шакллантиринг. Шри – Ланка, Ҳиндистон, Покистон, Непал, Бутан, Танзания, Уганда, Банладеш, Иордания, Ливан, Хитой, Корея, Андаман ва Никобар ороллари, Мўғилистон, Япония, Бахрайн, Малдив Республикаси.

2 – қўшимча савол:

Хитой таомлари икки компонентга бўлинади. 1. “Чшужи” ва “Фуши”. Буларнинг маъносини айтиб беринг.

Ж: “Чшужи” (асосий таом). “Фуши” (иккинчи даражали таом). “Чшужи”га хамир таомлар (манти, угра, чучвара, варақа, патир), гуруч, сули, буғдой ёрмаси, дуккакли экинлардан пишириладиган таомлар киради. “Фуши” асосан сабзавотлардан тайёрланиб, гарнер сифатида истеъмол қилинади.

2 – гуруҳ учун савол:

1. Ушбу тизимдан Жанубий Осиёга тааллуқли бўлган тарихий – этнографик минтақани шакллантиринг. Малайя архипелаги ороллари, Ҳиндихитой ярим ороли, Таиланд, Шри – Ланка, Ҳимолай этаклари, Бутан, Жанубий Сибир ўрмон дашт қисми, Тайга ва Тундра, Олтой, Марказий Сибир, Амур – Приморе ўлкаси.

2 – қўшимча савол:

Корейларда асрлар давомида асосий таом тузсиз қайнатиб пиширилган гуруч ҳисобланади. У қандай номланади?

Ж: “Пап” деб номланган.

3 ва 4 шартлар ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланиб, эълон қилинади.

5 – шарт – “Видеотопишмоқ” деб номланади. (10 дақиқа).

Бунда монитор орқали саволлар кўрсатилади ва гуруҳлар жавоб беришади. Саволлар 6 та. Қайси гуруҳ олдин қўл кўтарса, ўша гуруҳ жавоб беради. Жавоб нотўғри бўлса, рақиб гуруҳ жавоб бериши мумкин.

1... республикасини “Сахро” мамлакати деб ҳам атайдилар. ... табиати ўзига хосфлорага эга: бу ерда мимоса акациялари, турли алое ўсимликлари, кактус шаклидаги “глаба” номли ўсимлик, ковоқнинг ҳар хил турлари ва нон дарахти ёввойи ҳолда ўсади. Диққат! Бу қайси давлат ва нима учун “Сахро” мамлакати дейилади.?

Ж: Бу Ботсвана республикаси. Калахари сахросининг катта қисми республика ҳудудига кирганлиги учун “Сахро” мамлакати деб атайдилар.

2. Биз биламизки, Африка қитъаси тил жиҳатдан кам ўрганилган. Лингвистик классификация асосида Африка тиллари 4 та катта тил оиласига бўлинади. Булар қайсилар?

Ж: 1. семит – хамит;

2. Нигер – кордофа;

3. Нил – сахара;

4. Койсан тил оиласи.

3. Мадагаскар оролидаги малгашлар тил жиҳатдан қайси тил оиласига ва антропологик жиҳатдан қайси ирққа оид?

Ж: Австронезия тил оиласи ва монголоид ирқига мансуб.

4. Шимолий Африкага кирувчи давлатларни айтинг.

Ж: Миср, Судан, Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия, Мавритания, Ғарбий Сахара

5. Ҳозирги Хитой халқ Республикаси кўп миллатли. Хитойлардан ташқари қайси миллатлар яшайди?

Ж: Асосан чжуанлар, бинлар, тайлар, итсзилар, дунганлар, манчжурлар, уйғурлар (2,5 млн), козоқлар, ўзбеклар, қирғизлар ва б.

6. Ушбу давлатлардан қайсилари Жануби – Шарқий Осиёга киради?

Ветнам, Эфиопия, Покистон, Мозамбик, Камбоджа, Халқ Республикаси, Бирма, Кенуя, Руанда, Лаос, Таиланд, Индонезия, Филиппин, Комор, Мадагаскар.

Ж: Ветнам, Камбоджа Халқ Республикаси, Лаос, Таиланд, Индонезия, Филиппин.

6 – шарт – “Презинтатсияъ деб номланади (15 дақиқа).

Бунда ҳар бир гуруҳ плакатга берилган топшириқни тасвирлайди. Топшириқлар карточкалар орқа томонига ёзиб қўйилган бўлади ва уни гуруҳ аъзоларидан бири танлайди. Шартга биноан талабаларнинг тезкорлигига, эстетик дидига, ғоявий фикрларига, рассомчилик қобилиятларига, фанга нисбатан муносабатларига, кизиқишларига эътибор қаратилади.

5 ва 6 – шартлар ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланиб, эълон қилинади.

7 – шарт – “Домино ўйини” деб номланади. (10 дақиқа).

6 – шарт бажарилгунга қадар гуруҳ аъзоси бўлмаган талабалардан 2 таси чиқиб, “Домино ўйини”нинг шартини бажаради. Бунда “Э” ҳарфи пайдо бўлади ва гуруҳ аъзолари “Э” ҳарфи билан бошланадиган сўзларни айтадилар. Қайси гуруҳ кўп сўз айтса, шу гуруҳ ғолиб ҳисобланади. Қуйида ўйин саволлари келтирилади.

<p>Омад!</p> <p>Корейслар илгари чой ўрнига нима ичишган</p>	<p>Жавоб: Гуруҳ.</p> <p>Буддизмнинг ватани қайси давлат?</p>	<p>Жавоб: “Буғазор одамлари”</p> <p>Африкада энг биринчи демократик тузумга ўтган давлатни айтинг.</p>	<p>Жавоб: Чифдом.</p> <p>Жанубий Африка халқларининг энг қадимий маданиятларидан қояларга расм чизиш ҳозиргача сақланган. Улар расмларда нималарни акс эттирган?</p>
<p>Жавоб: Дўлана ва занжабил</p> <p>Африканинг қайси мам – да сарой оилй маслаҳатчиси аёллардан тайинланган ва “подшонинг онаси” деб эълон қилинган. Подшонинг асл онаси эса ўғли тахтга чиқиши</p>	<p>Жавоб: Ҳиндистон.</p> <p>Нечанчи йилда мисрда республика эълон қилинган?</p>	<p>Жавоб: Эфиопия.</p> <p>Эфиоплар асосан қайси тилда гаплашади?</p>	<p>Жавоб: Фил, каркидон, илон, хўкиз, жирафа, ов маросимлари, уруш манзараси.</p> <p>Диққат! Хавфли вазият! Ўқитувчига мурожаат қилинг!</p>

билан қатл этилган.			
Жавоб: Ёруба давлатида. Япон таомининг асосини нима ташқил этади?	Жавоб: 1952 йил июл. Жанубий Африканинг туб аҳолисини кимлар ташқил этади?	Жавоб: Семит – хамит тилларида. Кенуя ва Танзания Африканинг қайси худудига киради?	Олға! Катта европоид ирқининг Ўрта ер денгизи типига мансуб таугерлар қаерда яшашади?
Жавоб: Гуруч. Буддизмнинг ватани қайси давлат?	Жавоб: Бушменлар, гуттентотлар. Бушменлар сўзининг маъноси қандай изоҳланади	Жавоб: Шарқий Африка Замбияда бир неча қишлоқлар бирикиб, жамоани ташқил қилади. Бу қандай номланади?	Жавоб: Африканинг шимолида, Мали ва Нигер худудида. Марҳамат, ўйиндан чиқинг!

Бу ўйин ўйналгунча қолган талабаларга олдиндан бериб қўйилган картотека саволларига жавоб бериш учун тайёрланиш айтилади ва талабаларнинг жавоблари эшитилади.

8 – шарт – “Эркин мавзу” деб номланади. (10 дақиқа)

Бунда ҳар бир гуруҳ Осиё ва Африка халқларининг ҳаётига, маданиятига, урф – одатларига, миллий – кийим – кечаклари ва миллий таомларига оид амалий тарзда маълумотлар беришади.

7 – ва 8 – шартлар ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланиб, эълон қилинади.

Дарснинг якуний қисмида ҳайъат аъзолари томонидан якуний баллар эълон қилинади. Шу асосда рейтинг тизими бўйича талабалар фаоллигига, оғзаки нутқига, фикрлаш қобилиятига, ғоявий мушоҳадасига қараб баҳоланади.

Ушбу замонавий технологиялар билан отказилган дарсда талабаларнинг “Этнография” фанига бўлган қизиқишлари ортади, дарс жараёнида уларни мустақил фикрлашга, мушоҳада юритишга ундаб турилади, улар ўз жамоалари ғалабаси учун курашишга ҳаракат қиладилар. Талабаларнинг деярли барчаси баҳоланишига эришилади.

